

Гарбий Оврўпо халклари адабиётларида Амир Темур хаёти ва фаолиятига багишланган асарлар нихоятда кўп, бирок Сохибкирон хакидаги илк асарлар эсдаликлар тарзида ёзилган бўлиб, улар Амир Темур замондошлари каламига мансубдир. Шулардан бири Эрондаги Султония шахрининг архиепископи Жан(Иоанн)нинг «Амир Темур ва унинг саройи хакида хотиралар» (*Memoires sur Tamerlan et sa cour*) асаридир.

Гарбий Оврўпо халклари адабиётларида Амир Темур хаёти ва фаолиятига багишланган асарлар нихоятда кўп, бирок Сохибкирон хакидаги илк асарлар эсдаликлар тарзида ёзилган бўлиб, улар Амир Темур замондошлари каламига мансубдир. Шулардан бири Эрондаги Султония шахрининг архиепископи Жан(Иоанн)нинг «Амир Темур ва унинг саройи хакида хотиралар» (*Memoires sur Tamerlan et sa cour*) асаридир.

1403 йил май ойининг бошида Парижда бир рухоний пайдо бўлиб, ўзини Амир Темурнинг элчиси деб таништиради. Чиндан хам у зархал харфлар билан битилиб, Амир Темурнинг мўъжазгина муҳри босилган мактубини Франция кироли Карл VIга топширади. Мактубни топширган Султония архиепископи кирол саройида Карл ВИ ва Франциянинг Берри, Бургундия, Орлеан, Бурбон ва Британия герсоглари хамда бошка аъёнлар хузурида нутк сўзлаб, ташрифининг икки сабабини айтади: биринчиси, Амир Темурнинг Боязид устидан козонган галабасини маълум килиш; иккинчиси — Амир Темур билан Карл VI ўртасида доимий дипломатик алокалар ўрнатиш.

Жан Рим папаси Бонифатсий IX томонидан 1398 йил 23 августда Султония шахрининг архиепископи этиб тайинланган (Жеан Ричард, La папауте эт лес миссионс д'Ориент ау Моен Аге (ХИИИе — XVe сиеклес). Эколе франкаise де Роме, 1977, pp. 181 — 182; La роуте де Самарканд ау темps де Тамерлан пар Руй Гонзалез де Клавижо. Импримерие Национале, Парис, 1990, p. 51).

Жаннинг айнан ўша йиллари Султонияда хизмат килганлигини таникли француз шаркшунос олимлари Силвестр де Саси (Мемоире сур уне корреспондансе инедите де Тамерлан авек Чарлес ВИ. Мемоирес де Академие дес инскриптионс эт беллес-летtres. Парис, 1822) ва Х.Моранвиле (Мемоире сур Тамерлан эт са коур пар ун доминикаин, эн 1403. Эхтрайт де ла Библиотхекуе де л'Еcole дес чартес. Парис, 1894) хам тасдиклайдилар.

Архиепископ Жан Франция кироли Карл ВИ топширигига биноан ўзининг «Амир Темур ва унинг саройи хакида хотиралар»ини ёзди. Асар 23 кисм(боб)дан иборат. Унда Сохибкирон Мовароуннахр таҳтига чиккан пайтдан 1402 йил август ойигача бўлиб ўтган асосий воеа ва ходисалар тилга олинади.

«Хотиралар» билан илк бора танишган кишида у афсоналар ва хакикат омухтасидан иборат асар, деган таассурот тугилиши табиий. Хакикатан хам муаллиф Амир Темур хаёти ва фаолияти билан бозглик бизга маълум ва номаълум афсона-ривоятлардан кенг фойдаланган. Масалан, Амир Темурнинг амир Хусайн элчилари олдида ишлатган хийласи (И боб) ва Сохибкирон билан Эдигни(Идику) ўртасидаги муносабат (ХВИИ боб)

хакидаги хикоятлар шулар жумласидандир. Бирок, «Хотиралар»да бошка манбаларда мавжуд аник тарихий маълумотлар хам кўп.

Архиепископ Жаннинг «Хотиралар»и Сохибкирон билан Самарканда учрашган овруполик бошка бир элчи — Руи Гонсалес де Клавихонинг «Кундаликлар»и каби Амир Темур шахси, унинг хаёти ва фаолиятига доир бебаҳо хужжат хисобланади. «Амир Темур ва унинг саройи хакида хотиралар» таржимасида муаллиф услубини саклашга интилдик. Кавс ичидаги изохлар таржимонники.

Асар ўзбек тилида илк бора айрим кискартиришлар билан эълон килинмоқда.

## I. Темурбейнинг тахтга чикиши

Бу хукмдорнинг кўли дастлаб унчалик узун бўлмаган ва уни кўпчилик танимаган, унинг кўл остида ўзининг оиласига ўхшаш оилалардан чиккан атиги ўн чогли маслақдоши бўлган. Бирок у ёшлигиданок ўз акл-заковати, уддабуронлиги илиа бойлик орттира борди, истехком ва амлокларни эгаллаб, маслақдошлари сонини нихоятда кўпайтирди ва кундан-кунга кучайиб борди.

Ўзининг ишларидан Буюк Мўгулистон императори(амир Казогон)нинг газаби кайнаб турганини сезган Темурбей тўппа-тўгри Хитой императорининг хузурига борди. У камарли насронийлар (мароний) мазхабидан бўлиб, мўгул императорининг ракиби ва душмани эди. Темурбей шу насроний император хузурида кўп харакат килиб, ундан кудратли бир кўшинни ёрдамга олди; шу кўшин билан у зикр этилган Мўгулистон императорининг катта ерларини кўлга киритди, хусусан, у Семеркант(Самаркан) шахрини эгаллади. Шахар Шарқда жойлашган бўлиб, Мўгулистон императорига каарди. Шундан сўнг у (Амир Темур) насроний императорнинг лашкарига кетиш учун рухсат берди.

Темурбей томонидан тахкирланган ва хакоратланган мўгуллар императори (юкорида архиепископ амир Казогон хакида сўз юритса, бу ўринда ва ундан кейин амир Хусайн хакида сўз юритади) ўз ракибига карши курашиб учун жуда катта кўшин тўплади ва унинг хузурига элчилар йўллади. Элчилар унга (Амир Темурга) ё жанг майдонига чикиш ёхуд Мўгулистон императорига сўзсиз итоат этишни айтишлари лозим эди; агар у (Амир Темур) унга итоат этса, катта хоким килиб тайинланиши ваъда этилганди.

Хузурига келган элчиларни кўрган Темурбей зўр хийла ишлатиб, кўрпа-тўшак килиб ётиб олди. Зоро, у зикр этилган императорнинг кудратини яхши биларди. Шу боис ракиби ва унинг элчиларини гафлатда колдиришни ўйлай бошлади. Яхшилаб фикрини жамлаб олгач, янги сўйилган молнинг конини келтиришларини буюрди ва уни ютиб олди. Сўнгра элчиларнинг не максадда келганини билиш учун уларни тезгина ўз хузурига чорлади. Элчилар хузурига кирган чог унга (Амир Темурга) шошилинч равишда тогора келтирдилар ва у элчилар олдида ютган конини кайт кила бошлади; улар (элчилар) бу конни унинг (Амир Темурнинг) кони деб ўйладилар. Бу билан у элчиларга ўз тақдиридан кочиб кутула олмаслиги ва дардига хеч кандай даво йўклигини, яъни тез орада ўлажаклигини билдирилди. Шундан сўнг элчилар бемалол кайтиб кетдилар. Чунки улар Темурбейнинг «ўлаётгани»ни ўз кўзлари билан кўрган эдилар.

Бундан хабар топган император кўп шодланди ва лашкарларига ижозат бериб, кичик бир аскарлар гурухи ва хотинлари хамда фарзандлари билан хурсандчиликка берилди. Элчилар кайтиб кетганига ишонч хосил килган Темурбей сакраб тўшагидан турди ва бутун кўшини билан зикр этилган императорнинг кетига тушди; Темурбей уни хотинлари ва фарзандлари хамда кичик бир аъёнлар гурухи билан айш-ишрат килиб турган чогида учратди. Темурбей киличини кўтарди ва императорни маҳв этди, унга кариндош бўлган хотинини ўзига хотин килиб олди, ўз ўгилларига императорнинг кизларини олиб берди ва унинг эркак зотидан бўлган якинларининг хаммасини ўлдирди; факат биттасидан ташкари, уни ўз ёнида олиб колди, исми Солтамакуш (Суюргатмиш) эди. Темурбей унинг номидан хукмронлик килди ва шу йўл билан у бутун Трансоксания империясини кўлга киритди. Бу вокеалар рўй берганида у кирк ёшда ёхуд сал каттарок эди. Шундан сўнг у Шарқдаги кўп вилоятларни кўлга киритдики, жумладан, уларнинг бири Сименана (Симонон) деб аталарди, бу хусусда кейинрок сўз юритилади.

## II. Темурбей исмининг талкини хусусида

Бу императорнинг исми Темурбей эди; бу исм куйидагича талкин килинади ва изохланади: Темурбей атокли отдир ва «темир» сўзидан келиб чиккан бўлиб, «фер» (французча «темир») маъносини билдиради ва «бей» сўзи «хукмдор» маъносига тенг бўлиб, «темир хукмдор» деган маънони англатади. Бошкалар уни «Тамурлан» деб аташади, бу сўз хам «темир»дан келиб чиккан бўлиб, французчасига «Темур оксок» деган маънони билдиради. «Оксок» унинг лакаби эди.

Бу татарча ва форсча талкинлардир. Эронда уни «миритабам», яъни «хукмдор» деб хам, «калон», яъни «буюк хукмдор» деб хам аташади.

## III. Темурбейнинг унвони хусусида

«Темур Геракан сосмус» («Темур Кўрагон сўзимиз») ибораси Темур «императорнинг ўгли» ёки «куёви» деган маънони билдиради ва «сосмус» — «бизнинг катъий сўзимиз» деганидир. У ўзини на кирол, на император ва на бошка ном билан атайди; качон сўзласа ва амр этса, император номидан сўзлайди ва амр этади, унга хурмат кўрсатиб, йилига бир марта уни бориб кўради; бу хурматдан сўнг у ўша император хакида гапириб, унга ўз саройида иззат кўрсатаётганини айтади. Бирок, Темурбей барча ишни императорнинг муҳрисиз амалга оширади.

## IV. Унинг ирки хусусида

У келиб чикиши бўйича шарклик барлослардан бўлиб, уларнинг миллати ёкате (чигатой) деб аталади. Баъзилар фикрича, шу томонларда бизнинг Иисус Христосга тенг келадиган уч кирол ўтган экан. Бу ўлкага Хиндистон томонидаги Персиядан кейин келадиган Корасан (Хурросон) вилояти, Медия (Озарбайжон) вилояти ва бошка вилоятлар киради. Бу ўлка таркибига кирувчи яна бир шахар, бу — Темурбейнинг шахри Семеркантдан жуда йирокда, юз кунлик масофада, Жиён дарёсидан нарида – Персияда жойлашган Сузис (Суза) шахридир.

## V. Ўгилларининг насл-насаби ва исмлари хусусида

Темурбейнинг кўп ўгиллари бўлган ва хозир улардан атиги иккитаси хаёт, уларнинг каттасини Миранза(Мироншох) деб аташади ва унинг ёши кирк ёки ундан бир оз катта; энг кичиги Сонхарни(Шоҳруҳ) деб аталади ва унинг ёши йигирма икки атрофида. Биринчисининг исми куйидагича талкин килинади: мир – жаноб ва за — кирол, яъни «жаноби кирол». Иккинчисининг исми француз тилида «киролнинг юзи» маъносида. Тўнгич ўгил барваста, хушмуомала, хурфикр ва отасининг саройида хамма уни хурмат килади. У насронийлар ва франкларни, яъни барча лотинларни (овруполикларни) жуда яхши кўради; у бамисоли иккинчи Александр(Македонялик Александр). Унинг тўрт хотини ва тўрт ўгли бор: хотинларининг энг суюклиси император авлодидан ва Конзада (Хонзода) деб аталади. Ўгилларининг лашкарлари катта, яъни 20-30 минг кишидан иборат ва саройлари хам катта. Айникса, Абасимеза (Мирзо Абубакр) исмли тўнгич ўглининг лашкари жуда катта; бу исм «Худонинг марҳамати или тугилган», деб талкин килинади. Бу ўгил курол ишлатишига жуда мохир. Тўрт ўгилнинг яна бирининг исми Омариза (Умар Мирзо) бўлиб, у Темурбейнинг лейтенанти: унинг саройида мулозимлар кўп, кўл остида катта ўлка бор.

## VI. Жиянлари ва набираларининг сони хусусида

Темурбейнинг олтмиш-этмиш чогли ёхуд ундан зиёд жияну набиралари бор. Уларнинг энг биринчиси катта акасининг ўгли бўлиб, она томонидан император авлодидан ва катта амлокка эга; иккинчисининг кўп ўлкаларда ўзига маслакдош ва содик вассаллари бор; унинг исми Мамузатаин(Мирзо Султон Хусайн)дир.

## VII. Темурбейнинг хотинлари хусусида

Темурбейнинг тўрт конуний хотини ва кўплаб канизаклари бор. Катта хотини император оиласидан бўлиб, Карон (Сароймулхоним) деб аталади ва доим аёллар доирасида фарогат топади; эркакларни асло ёқтирилмайди. У соглиги ёмонлиги туфайли хар куни даволаниш учун минг дукат (тилла) сарфлайди, доимо хотинлар куршовида юради.

## VIII. Темурбей хукмронлигининг бошланиши

Ёшлигига у хам ўз тенгкурларига ўхшаш йигит эди, аммо акл-заковати, зукколиги билан ажралиб туради ва доимо мард йигитлар куршовида юради. У доимо худони олкишлаб юради ва нима килса барисини худо учун, унинг хохиши билан килади; ўзининг айтишича, у бир бечора аёлнинг ўгли, кучсиз ва камбагал йигит бўлган, у нимага эришган бўлса, худонинг марҳамати или эришган, вакти келиб буларнинг хаммасини худога кайтаради. Яна унинг айтишича, барча рўй берадиган нарсани худо унга олдиндан башорат килади.

Хозир у жуда катта ва кудратли хукмдор. Зеро шу пайтгача Шаркда хеч ким унга тенг келадиган бирорта инсонни кўрган хам, учратган хам эмас. Айникса, у Семеркант шахрини ва Трансоксания империясини кўлга киритганидан кейин шундай кудратга эга бўлди. Зотан, у (империя) Шаркка томон шунча катта маконни эгаллаганки, унинг бир сарҳадидан иккинчисига етиш учун тинмай ярим йил йўл босиш керак. У кўплаб вилоятлар, шахарлар, кўргонлар, амлокларни кўлга киритди ва тебе этди. Жумладан, у Хиндистондаги Дилли (Дехли) деган шахарни ишғол килди ва киролини бўйсундириб, шундан сўнг Гарбга томон юрди хамда Константинополгача бўлган барча ўлкаларни эгаллади.

## IX. Темурбей хукмронлигидаги вилоятлар ва ўлкалар хусусида

Темурбей кўл остидаги Хиндистондан Туркиягача бўлган худудни бир одам пиёда нак бир йилда, отда эса тўккиз ойда босиб ўтади. Унинг салтанати таркибига, жумладан, куйидаги ўлкалар киради: Дилли — йирик шахар; Сименана — вилоят; Маластан (Бадахшон) — вилоят; кимматбаҳо тошлар ўлкаси; Феринус (Кимехредган) хинд зираворлари шу ердан келади ва Сиён (Сайхун) дарёси оркали бошка ўлкаларга олиб ўтилади; Органун, бу вилоят Персияда Корасмо (Хоразм) деб аталади; Чин-Мочин (Хитой) — шифобахш ўсимликлар ўсадиган вилоятлар, у ерларда ясалган чиройли буюмларни Генуяга олиб кетишади, яхши сакланади, айтишларича, бир буюмни кирк

йилда ясашар экан; Бокара (Бухоро) — аъло сифатли олтини билан машхур вилоят; Коросан (Хурросон) — ўттизта шахарли вилоят; Медия (Озарбайжон) — жуда катта вилоят; Спахан (Исфахон) — вилоят; Сирас (Шероз) — вилоят; Шилан (Гилон) — шахар ва вилоят, Каспий ёхуд Бачин дengизи якинида; Аран — жуда катта вилоят; Порт Ферре — жуда катта вилоят ва А

лександр дengизни Кавкази деб аталган токкача казиб олиб борган шахар, бу тогда турфа тилли халклар яшайди; Жоргия (Грузия) — кироллик ва жуда катта вилоят; Буюк Армения, у ерда Нуҳ пайгамбарнинг ёйи жойлашган тог бор; Курдистон — жуда катта вилоят; Калдея (Ироки Араб) — вилоят; Астрия (Ассирия) — вилоят; Рум — вилоят; Туркия — вилоят.

Бундан ташкари, кўплаб вилоятлар ва шахарлар Темурбей салтанати таркибига киради, уларнинг сони юз мингта, сўзимизни кискарок килиш максадида номларини келтирмаймиз.

## X. Темурбейнинг махорати ва кудрати хусусида

Кискача айтганда, Темурбей жанггохларда барчани, жумладан, кўплаб кироллар ва шахзодаларни енгди, на бирор шахар ва на бирор истехком унга дош бера олган; у сон-саноксиз шахарлару кўргонларни забт этди, хисобсиз халкларни ўзига тобе килди; саноксиз муҳорабаларда зафар козонди ва мана хозир хам у Буюк Туркни (Боязид Йилдиримни) маҳв этди — Туркия уники бўлди, кўплаб кироллар ва шахзодалар, катта хокимлар унинг тарафида.

## XI. Темурбейнинг буюклиги ва лашкарларининг сони хусусида

Бу хусусда хар хил гаплар юради, бирок унинг лашкарлари сони канчалигини хеч ким аник билмайди: айримларнинг айтишича, унинг кўшини ўн юз минг (миллион) аскардан ва камида саккиз юз минг отдан иборат; туялар ва бошка жониворларнинг эса асло хисоби йўқ. Унинг яна кирк жанговар фили бор, аскарлар уларнинг устида ўтириб жанг киладилар; куролланган суворий шахзодалар ва мард навкарлар у билан бирга юрадилар; улар енгил куролланган ва ортиқча аслахалари йўқ, шамширлари ва камонларига ишонадилар ва, хусусан, унга ўттиз олти йилдан бери хамрохлик килиб келаётган одамлари шахарларга кирмайдилар, очик далада тунайдилар.

## XII. Темурбейнинг бойликлари хусусида

Унинг бойликларининг сон-саноги ва микдорини хеч ким билмайди... Кимматбаҳо нарсаларга келганда эса, айтишадики,— мен бунга ишонаман,— бирорта ҳам ҳукмдор, у канчалар буюк ва кудратли бўлмасин, у кадар кўп бойлик тўплай олмаган. Яна у ўз кўл остидаги барча вилоятлардаги еrostи бойликларини ҳам кидириб топдириб, уларга эга бўлди; айтишларича, ўтган иили (1401 иил) у оғирлиги юз ўн етти се ( се — тахминан бир мискол) келадиган бир жавохир топганки, олти се бир унсияга тенгдир.

Сўнгра, Багдод шахри олингач, у Евфрат (Фрот) дарёсига гарк бўлган бир кемани топди, кемага Персия киролларининг барча бойликлари ортилган эди. Хазинадан соғ ва нафис олтин дараҳт чиқди, унда турфа рангли ва турфа ҳил кимматбаҳо тошлар, сон-саноксиз марваридлар бўлиб, бунчалик катта ахамиятга ва кимматга эга бўлган ёхуд улардан яхширок марваридларни хеч ким кўрган эмасди. Темурбей бу нарсаларнинг хаммасини Семеркантга жўнатди, у ерда унинг ўн саккизта улкан саройи бўлиб, уларнинг барчаси бойликларга шу кадар тўлаки, хеч бир инсон уларнинг таърифини килиб адо эта олмайди.

### XIII. Темурбейнинг очиккўнгиллилиги ва шафкатсизлиги хусусида

У шароб ичганида меҳрибон ва очиккўнгил бўлиб колади; бирок бундай холат жуда кам бўлади, яъни у жуда кам шароб ичади. Алкисса, у газаб отига минмаган пайтларида адолат юритади: адолатининг шиори учун ўз тамгасига форс тилида «адолат» сўзини икки марта («Рости — русти») ёздирган. У ўз дўстлари ва элчиларга, айникса, узок ўлкалардан келган элчиларга етарлича очиккўнгиллилик килади; бошкаларга нисбатан, яъни ўзига карши бирор иш килган ёки амрига карши борганларга нисбатан у ўта шафкатсиз; уни айборларнинг на туриш-турмуши, на насл-насаби ва на дини-иймони кизиктиради.

### XIV. Темурбейнинг хаёти ва унинг ҳалки хусусида

Темурбейнинг турмуш тарзи ва ҳалки ҳакида шундай дейиш мумкин: у ҳар доим очик далада ҳарир шохи чодир остида умр ўтказади; зоро. унинг ҳалки шунчалик кўпки, уларнинг барчаси шахарда яшай олмайди. Бирок уларга зарур барча нарсалар худди шахарлардагидек бу ерга олиб келинади, сотилади ва ҳарид килинади; бу ерга узок ўлкалардан озик-овкат маҳсулотларини олиб келувчи савдогарлар жуда кўп, бу ерда паррандалар, бошка турфа ҳил маҳсулотлар ва хатто куллар ҳам сотилади. Темурбейнинг одамлари жуда кимматбаҳо нафис шохи матолар ва ҳарир жун матолардан кийим киядилар. Улуглари эса, Константинопол императори каби бош кийим

киядилар, мартабалари канчалар баланд бўлса-да, бош кийимларига кимматбахо тошлар кадамайдилар ва айримлари туркларга ўхшаб думалок кокилез киядилар.

Темурбейнинг фукаролари саранжом-саришта одамлар, улар ерда – стол ва курсисиз овкатланишади. Бу ерларда гўшт ва гуруч сероб, улар мутлако нон ейишмайди, улар нонни ёқтиришмайди, бирок ажнабийлар тўйгунларича нон ейишлари мумкин, зеро, хар кадамда нон мўл.

Унинг саройида шароб ичиш таъкиланган, насронийлар эса, ичишлари мумкин, у хам бўлса, факат кечки овкат олдидан, овкатдан сўнг сув ва кимиз ичилади, бир кимизки, шаробдан кам кайф бермайди. Уларнинг донли экинлардан тайёрланадиган яна бошка бир ичимлиги бўлиб, унинг (бўзанинг) ранги сутдек оппок ва шаробдек кайф беради.

Унинг саройида номуссиз аёлларнинг яшами таъкиланган, хар кимнинг ўз хотини ва мол-мулки бор. Аёллар эркаклар каби мохир чавандоздизирлар, улар яхши кийиниб оладилар, отда юрганларида факат бурунлари ва кўзлари очик бўлади. Одамларнинг юзлари кенг ва осиёликларга хос, хамма катори яшашади ва улар саратсинлар (мусулмон сунналар) мазхабидандирлар.

Темурбей зиёфатларда тилла, кумуш идишларда овкат ейди ва ўз олдидаги гўштни вассаллари, шахзодалар, зодагонлар, элчилар билан бахам кўради; хамма ерда ўтириб овкатланади. Агар ўзи чакирмаса, унинг ёнига боришга хеч ким журъят эта олмайди. Унинг ўгиллари ва беклари хам русхатсиз унинг ёнига бориб ўтирмайдилар.

## XV. Темурбейнинг ўз асиirlарига муносабати хусусида

Агар у бирор ўлкани забт этишни ихтиёр этса, кора ранги тугуни кўтаради ва унинг аскарлари ўша ўлкани забт этишга отланадилар, эгалланган ўлкалардан турли хирож ва бойликлар йигилади. Шуни унутмаслик керакки, улар насронийларга хам, мусулмонларга хам бирдек муносабатда бўладилар.

## XVI. Темурбейнинг мухораба хакидаги фармонлари хусусида

У фармон бериши у ёкда турсин, имо килиши биланок хар ким нима килиш зарурлигини яхши билади. У ўз кўшинини мингликларга, юзликларга ва ўнликларга бўлган; унинг амрига итоат этмаганларнинг боши кетади.

У кўшинда катъий тартиб ўрнатган: кимда-ким жангда олд томонидан жарохатланса, унга катта эҳтиром кўрсатилади; жангда оркасидан жарохатланган кимса эса жазоланади. У жасур ва мардларни кўп иззатлайди, уларга катта тухфалар килади.

У ўзидан кучли ганимларга карши жангга кириш олдидан лашкарларини шу кадар пухта жойлаштирадики, хеч нарса назаридан четда колмайди; сўнг у ганими ўз хушёрлигини бой беришини пойлайди ва шу захотиёк унинг устига кутилмаганда зарба бериб,

истехкомларини вайрон килади. У киска муддатда узок йўлни босиб ўта олади, пухта изланишлар ва доно фармонлар ила ўз лашкарларини катта талофатлардан саклайди. Мухтасар килиб айтганда, у шу пайтгача барча муҳорабаларда зафар кучган, хеч ким унга каршилик кўрсата олмаган.

Темурбей Туркия ва Арманистон ўртасида жойлашган Туркка (Йилдирим Боязид) карашли катта шахар Сабастр(Сивос)га борганида хам худди шундай бўлган. У мазкур шахар каршисида ўн бир кун турди, шундан беш куни ичида калъа деворлари ёнида шундай бир минора курдирдики, ундан бутун шахар яккол кўриниб турарди. У кон тўқмасликка сўз берганидан кейин шахарликлар таслим бўлдилар...

Ундан сўнг Темурбей жуда катта дарё бўлган Евфрат (Фрот) дарёси бўйига борди; у ерда беш кун ичида зарур кема ва кайиклар ясаттириб, икки ярим кун ичида бир ярим миллион кишидан ортикрок лашкарини дарёнинг нариги киргогига ўтказди. Дарёдан ўтиб, у баланд тог устида жойлашган Халаб шахри деворлари ёнига етиб борди ва шахар ичкарисида султоннинг кучли кўшини жойлашганидан хабар топгач, калъани каттик курашсиз кўлга кирита олмаслигига кўзи етди. Шу алфозда Темурбей уч кун шахар каршисида туриб колди ва тўртинчи куни лашкарининг катта бир кисмини олиб Халабдан икки ле (чакирим) узокликдаги баланд тог ортига ўтди ва ўглини 30 минг аскар билан шахар каршисида колдириб, агар султон кучлари унга хужум килса, бир оз жанг килиб, сўнgra чекинишни буюрди. Ўгли хам уч кун давомида отаси айтганича иш тутди: султон кўшинлари унга карши жанг бошласа, у бир оз курашган бўлар ва сўнgra чекинарди; тўртинчи куни ўртада катта жанг бўлди ва ўгил одатдагида н узокрокка чекинди, султон лашкарлари уни шунчалик узокка кувлаб бордиларки, тогнинг ортида бекиниб турган Темурбей фурсатдан фойдаланиб ганим кўшини билан шахар деворлари ўртасидаги жойни эгаллади ва султоннинг ўн тўрт минг аскарини ўлдирди, сўнг шахарни эгаллади.

Темурбей бу ердан Дамашкка йўл солиб, шахарни камалга олди ва у ерда ўн бир кун турди; шахар деворларининг остига кўп микдорда портловчи моддалар кўйдиртириди, буни кўриб узок каршилик кўрсата олмасликларига кўзлари етган шахарликлар таслим бўлдилар. Темурбей билан бирга бўлган савдогарларнинг айтишича, у ўз юртига саккиз юзта тияда тилла ва кумуш, кимматбахо тошлар ва бошка нафис безак буюмлари жўнатди.

Дамашкдан у Эрондаги буюк халифа(Ахмад Жалойир)нинг Бодаш (Багдод) деган ўлкасига йўл олди ва Бодаш шахри каршисида тўхтаб, у ерда кирк кун колиб кетди: зеро, шахар деворларини айланиб чикиш учунгина икки кечаю икки кундуз керак бўлади. Шахарликлар кайсарлик килдилар, лекин уларнинг кайсарликларини синдиридилар: Темурбей шахарни куч ишлатиб кўлга киритди ва бу ерда беадад бойликларни кўлга киритиб, ватанига жўнатди.

## XVII. Эдигни исмли императорнинг Темурбейга килган хиёнати хусусида

Темурбей, чамаси, бундан икки йил бурун Мўгулистаннинг Эдигни (Идику барлос) исмли императорига ўз элчиларини йўллаганди. Ок мўгулларнинг мазкур хукмдорининг бош

шахри Соркате (Судак) Кафа(Одесса)дан 18 чакирим нарида жойлашган бўлиб, унинг лашкари юз эллик минг суворийдан иборат эди. Элчилар ўша хукмдорнинг кизини Темурбейнинг ўгли учун сўрашди, хукмдор рози бўлди; бирок у узр сўраб, кизини Темурбейдек кудратли хукмдорнинг ўглига узатиш учун зарур тақинчоклар ва сармояси камлигини баҳона килди хамда элчилардан ўз хукмдорларидан келинни ясатиш учун керакли зеб-зийнат буюмлари юборишини ва унинг (келиннинг) истикболига саройидаги энг нуфузли кишиларни жўнатишини илтимос килишларини сўради. Элчилар унинг илтимосини Темурбейга етказдилар. Элчиларнинг хисоботини эшитиб Темурбей багоят шод бўлди, шу захотиёк тилла, кумуш, жавохир ва кимматбаҳо шоҳи матолар ортилган йигирма беш тuya, саройидаги энг юкори лавозимдаги саккиз баронни (аъённи) Кипчокка жўнатди.

Карvon Эдигнининг хузурига етиб боргач, у тилла, кумуш, жавохирлар ва бошка молларни кабул килди, аъёнларни эса банди килиб, пулларини тортиб олди, аммо Темурбейга кизини жўнатмади. Темурбей дунёда хеч ким мени бу кадар алдамаган, деб шунчалар изтироб чекдики, хеч ким бу холга тушган эмас; у умрида бунчалик куюнмаганини айтиб, бунинг учун ўч олмагунча тинчимаслигини билдириди.

Темурбей хозиргacha амалга оширган ишларидан кўпроқ иш килиши мумкин эди, бирок у ўзидан хам катта хукмдор бошкараётган Форс(Эрон)дан йироклашиб кетишга журъат эта олмаяпти. Бу хукмдорнинг кудрати унинг кудратидан бир ярим-икки баравар кўп бўлиб, исми Тамирасак (бу ерда архиепископ кимни назарда тутаётганини била олмадик), Маласан хукмдоридир. Бу ерда ахвол шу даражага бориб етганки, Темурбей расман у ўлканинг хам хукмдори хисобланса-да, асл хўжайини Тамирасакдир. Баъзиларнинг айтишига караганда, агар ул иккиси бир бўлсалар, бутун ер юзини забт этишга кучлари етар эмиш.

### XVIII. Темурбей Буюк Туркни кандай маҳв этгани ва банди килгани хусусида

Лашкарларининг сони ва мардлиги жихатидан кудратли бўлган Темурбей баталёнларини (фавжларини) тепаликлар ва дараларга якин жойда тартибга солди; уларнинг ортига ўзининг энг катта баталёнини ва якинларини кўйди. Ракибига етарлича каршилик кўрсата олишига ишонган Турк (Иилдирим Боязид) лашкарларини тўрт баталёнга бўлди; ганимга якинлашиб унинг лашкарларидан кўркиб кетган туркларнинг биринчи баталёни сардори ўз кўл остидаги барча аскарларини олиб кочишга тушди; Турк буни кўриб уларни ортига кайтармокчи бўлди, бирок баталён сардори унинг амрига кулок солмади ва кўздан гойиб бўлди.

Шундан сўнг Турк иккинчи баталёнини жангга ташлади, бу кисм жон-жаҳди билан жанг килди, бирок Темурбейнинг лашкарлари кўрсатган жасорат туфайли туркларнинг жуда кўп аскарлари, хисоб-китобларга караганда, ўн беш мингдан зиёди халок бўлди. Навбат Туркнинг учинчи баталёнига келди. Бу кисмда унинг ўгиллари хам жанг килдилар ва аксарияти халок бўлди, колганлари кочмокка тушди. Буни кузатиб турган Турк тўртинчи баталёнини жангга ташлаб, унга шахсан ўзи кўмондонлик килди. Бирок халокатга учраганини сезгач, кочмокчи бўлди, лекин коча олмади. Зоро, уни Темурбей аскарлари

тўла куршовга олган эди. Шу алфозда у июлнинг йигирма саккизи, жума куни соат йигирма тўртда кўлга олинди. Аник хисоб-китобларга кўра, бу муҳорабада иккала томондан кирк минг киши халок бўлди; Темурбейга нисбатан Турк кўпроқ курбон берди. Жуда кўп турклар кочиб кутулдилар, хусусан, Туркнинг икки ўгли ярим тунда курол-яргосиз ва кийим-бошсиз кип-ялангоч кочдилар. Темурбей лашкарларининг катта бир кисмини Туркнинг бош шахри Бурсага жўнатди; калъа олингач, тоби кочган Туркнинг хазинасини кўлга киритди; бу хазинани хамда кўпсонли хизматкорлар ва кулларни Семерканга жўнатди. Шундан сўнг у бутун Туркияни ишгол этишга киришди, Темурбейга иттифоқдош бўлган айrim хокимларга карашли ўлкалар бундан истисно эди. Туркнинг тўнгич ўгли Юнонистонга ўтиб кетди, у хозир хам ўша ерда иззат-хурматда; кенжа ўгли Туркияда ва Темурбей унинг изидан кувиб юрибди. Бу нима билан тугашини Худо билади. Тангрининг иродаси Темурбейдан бошка бирор тирик жонга аён эмас.

## XIX. Темурбейнинг салтанати ва шахарларидаги тартиб-коидалар хусусида

У ўз фукаролариға бир канча солик ва тўловлар жорий этган бўлса-да, ажнабий тужжорларга катта эътибор кўрсатади ва уларни, айникса, фаранглар ва насораларни рагбатлантиради, салтанати худудида уларнинг хавфсизликларини таъминлайди. У кўп масканларда олинадиган жон ва туз соликларини бекор килди ва бу соликлар факат йирик шахарларда олинсин, деб фармон берди. У салтанатининг барча худудларида тужжорлар хаётига хавф соладиганларга шафкатсиз жазо тайинлади: тужжорларни талаган ўлка ахли унга (тужжорга) таланган мол кимматини икки баробар килиб кайтаради ёхуд салтанат хазинасига тужжор йўкотган мол-мулк кимматининг беш баробари микдорида жарима тўлайди.

Барча ахоли масканларида унинг масъул кишилари бор ва у адолатга катъий риоя этади хамда жиноят килган хар кандай кимсага, кимлигидан катъи назар, шафкат килмайди: кичик бир жинояти учун каттаю кичик амалдорларга шу захотиёк жазо тайинлади; жазо асосан жарима шаклида бўлади: айбдорлар катта микдорда жарима тўлайдилар. Унинг амалдорлари жуда бой ва тўк яшайдилар, шу боисдан улардан катта пул ундирилади. Бу пуллар нак юз хачирга юк бўлади ва улар хар йили катта байрам учун сарфланади. Барча шахарлар ва ўлкалар хар йили даромадларининг ўндан бири ёки чорагини салтанат хазинасига топширадилар. Бу иш билан унинг газначилари ва нозирлари шугулланади.

Темурбейнинг ўзи шахсан хеч кимга озор бермайди ва у шундай килган одамларни каттик жазолайди. Зоро, у сафарда юрган пайтида кўплаб адолатсизликлар бўлиб туради. Шахарлар ва ўлкаларни унинг ўгиллари, жиянлари ва аъёнлари бошкаради. Унинг накд пулда маош бериш одати йўк, бирок у ўз аъёнларига ер-мулк беради ва бошка тухфалар килади. У ўз фармонлариға барча ерда сўзсиз итоат әтилишини истайди ва ажнабийлардан кўра кўпроқ ўз фукароларидан хадиксирайди.

## **XX. Темурбейнинг душманлари бўлмиш айрим кудратли императорлар хусусида**

Темурбейнинг асосий ракиблари Шарқдадир. Бу энг аввало Катай(Хитой)нинг буюк императоридир. У камарли насронийлар мазхабидан бўлиб, куч-кудратда Темурбейга тенг ёхуд ундан зиёдрок. Унинг иккинчи ракиби Форс императори (Султон Ахмад Жалоирий) бўлиб, у бундан ўн беш йил илгари Темурбейдан зўрга кочиб кутулган. Хозир Бадаш ва Калдея(Ироки Араб)нинг колган кисмларига хукмронлик килади. Унинг яна бир ракиби Миср султони. Мўгулистонлик Эдигни эса, унинг асосий душманидир. Зикр этилганлардан кейинги учтаси саратсинлар мазхабидан. Темурбейнинг яна бошка душманлари хам бор. Улар ундан кўркадилар ва унинг ўлимини кутадилар. Улар ўзларича башорат килишиб, Темурбей Кохирада маглубиятга учрайди ва халок бўлади, деб ўйлашмоқда. Темурбей, аксинча, бунга ишонмайди ва хали яна узок умр кўраман, дейди.

## **XXI. Темурбейнинг хузуридаги шох ва шахзодалар хусусида**

Энг аввало, Мўгулистон императори у билан бирга. У кўнгли нимани хохласа, шуни килади. Маластан кироли, Коросан кироли, кўп мамлакатлар ва ўлкаларнинг хукмдорлари, шахзодалари хамда бир канча кичик хукмдорлар унинг хузуридалар. Шох Алдин хам унинг ёнида, бирок ундан кочиб юради. Форс императорининг икки ўгли хам унинг ёнида(шох Шужўнинг Шибли ва Зайн ал-Обидин исмли ўгиллари). Гургония императорининг укаси шох Бокаран (Бахром) хам унинг хузурида. Темурбей забт этган барча вилоятлару ўлкалар хокимларининг тўнгич ўгиллари ва ўлка ноиблари хам у билан бирга; илм-фан, хусусан, астрология, медитсина ва нигромания (корамагия)нинг энг кучли олимлари хам унинг хузурида: у илмли ва яхши оиласдан чиккан инсонларни кўп эъзозлайди. Темурбей улар билан савол-жавоб килишни хуш кўради. У зикр этилган инсонларнинг барчаси билан яхши муносабатда бўлади ва хурмат-эхтиром кўрсатади. Узок ўлкалардан келган элчиларга хам худди шундай муносабатда бўлади. Шунга карамай, улар ўзларини эмин-эркин хис эта олишмайди: зеро, унинг ёнида бой-бадавлат юришдан кўра, ундан узокрок туриб, кашшокликда яшашни ихтиёр этувчи шохлар ва шахзодалар хам учраб туради. Буюк Турк хам унинг ёнида, унга катта хурмат-иззат кўрсатилмоқда.

## **XXII. Темурбейнинг имон-эътигоди ва унга килинган башоратлар хусусида**

Темурбей ўз эътигоди бўйича саратсин бўлиб, ўз динига амал килмайдиганларни

жазолайди, хам кийнайди. У илгари насронийларни яхши тушунмас ва хуш кўрмасди. Мана энди, Султония архиепископи биродар Жанни ва доминикан мазхаблик биродар Француани кўрганидан — бизнинг эътиқодимизга ишонч хосил килганидан кейин у ўзининг хатосини англаб, каттик таъсирланди. У насронийларга хайриҳоҳлик килади ва эҳтиром кўрсатади, хусусан, лотинларга, яъни французларга бирор ёмонлик килмайди; уларга ўз салтанатида эмин-эркин юришлари учун йўл берган. Айникса, савдогарларга ўз эътиқодларига риоя килишлари, черковларга бориб хамма насронийлар бажарадиган амалларни бажаришлари учун барча шароитларни яратган.

У ўз дини талабларидан келиб чикиб, кунига беш маротаба худога муножат килади ва каерда бўлишидан катъи назар, саратсинлар учун лозим бўлган барча амалларни бажаради. У тушида тез-тез фаришталарни кўришини ва уларнинг ўзига килган башоратларини айтиб юради; бу дунёда нимаики иш юз берса, бариси худонинг иродаси билан содир бўлишини айтади. У кунлардан бир куни тушида фариштани кўрганини сўзлаб берди: эмишки, унинг кархисида ердан осмонгача етган нарвон турғанмиш, тепада фаришта пайдо бўлиб, уни ўзи томон чорлармиш: «Ўрнингдан туриб, нарвонга чик», — дебди унга фаришта. Темурбей фаришта айтганини килиб, киркинчи зинага кўтарилибди. Шунда фаришта унга: «Энди пастга туш», — дебди. Темурбей пастга тушибди. Шундан сўнг у бу тушнинг таъбирини сўрабди. Тушнинг таъбири куйидагича экан: у бутун ер юзини эгаллаб, кирк йил давомида сог-омон хукмронлик килар эмиш. Ўзининг айтишича, у одамларнинг фикрлари ва режаларини олдиндан билиб олар эмиш, буларни унга фаришталар маълум килар эмиш. У кекса эркак ва кекса аёлларга чукур иззат-эҳтиром кўрсатади, уларга катта хадялар беради, унинг саройида хеч ким аёлларга, хусусан, энагаларга карши бирор сўз айта олмайди. У жуда яхши тарбия кўрган, зоро, ажнабийларнинг хар бирига уларнинг мавкеи ва мансабига мос равишда иззат-эҳтиром кўрсатади.

### **XXIII. Темурбейнинг ёши ва соглиги хусусида**

Унинг ёши олтмиш-олтмиш беш атрофида ва у ўттиз йилдан бери хукмдорлик килиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида у шунчалик гаройиб ишларни рўёбга чикарганки, уларни ёзиб адо этиб бўлмайди. У ўрта бўйли, чехраси мўгулона, испанча соколига оқ оралаган ва комати тик инсон. Бирок унинг ўнг кўли ва ўнг оёги мажрух бўлиб, уларни даволаш мумкин эмас, зотан, томирлари кесилган. У ёшлигига лашкарларини ўзи жангга бошлаб киради: мохир чавандоз эди, аммо энди, баъзан, икки отга ўрнатилган ўриндикда сафар килади ва шундай кўрикланадики, ўзи чакиртирган одамдан бўлак хеч ким унга якинлашишга журъат эта олмайди. Темурбейнинг амри шу эрур.

### **XXIV. Темурбей ёқтирадиган нарсалар хусусида**

Энг аввало, унга куйидаги нарсалар ёкади: бугдойранг, кирмизи ва алвон, ок ва оч-яшил, худди Ренс(Франциядаги шахар)да тайёрланадигандек нафис тўқима матолар, маржон шодалари, биллур тошлар, тилла ва кумуш идишлар, худди Франциядаги каби ишлов берилиб, зумрад тошлар билан безатилган идишлар, тоза Кипр камлоти(пишик жун газламаси), гаройиб балик тишлари, Франциядаги каби курсилар, Франциядагидек кимматбаҳо гиламлар, хушбўй ва мазали зираворлар, дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган зотли бакувват отлар, катта итлар ва Испаниядаги каби катта хачирлар. Бирок ундаги бу нарсаларнинг санаб саногига етиб бўлмайди.

*Француз тилидан Баходир Эрматов таржимаси.*

*«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2005 йил 20-сонидан олинди*